

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

## ХАЛҚАРО МАҚОМ САНЪАТИ АНЖУМАНИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек миллий мақом санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш, уни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ёш авлод қалбига миллий мумтоз санъатимизга ҳурмат ва эътибор туйғуларини камол топтириш, турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3391-сонли қарори билан Шахрисабз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта ўтказилиши белгиланган Халқаро мақом санъати анжуманини (кейинги ўринларда Анжуман деб аталади) биринчи марта 2018 йилнинг 6-10 сентябрь кунларида ўтказиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюشمаси ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг тақдирлари маълум қилинди.

2. Қўйидагилар:

Халқаро мақом санъати анжуманига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби 1-иловага;

Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита икки ҳафта муддатда Анжуманга тайёргарлик кўриш ва уни юксак савияда ўтказишга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси, Ўзбек миллий мақом санъати маркази:

**бир ой муддатда** халқаро анжуманининг очилиш ва ёпилиш маросимлари сценарий ва бадий дастурларини тайёрлаш;

**1 июлга қадар** мазкур конференцияда хорижий давлатлардан иштирок этадиган мусиқашунос ва мақомшунос олимлар, таниқли санъаткорлар, етук мутахассислар ва фахрий меҳмонлар рўйхатини шакллантириш, уларни тақдирлаш сценарийсини ишлаб чиқиш;

**1 августга қадар** анжуман доирасида "Мақом мусиқа санъати ва унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни" мавзусида ўтказилмайдиган илмий-амалий конференцияга тайёргарлик кўрсин;

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги анжумани ЮНЕСКО шафелиги остида ўтказиш масаласини белгиланган тартибда ҳал этсин.

6. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги **25 августга қадар** Шахрисабз шаҳрида ободлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилишини, анжуман ўтказиладиган сахна майдонлари ва заллар талаб даражасида тайёрланишини таъминласин.

## ЯНГИ ҲОЯЛАР ВА ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ АМАЛИЙ ИФОДАСINI ТОПМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 апрель кунини Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободлаштириш ишлари билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида пойтахтимиз туманларида бўлди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Ўзбекистон Фанлар академиясининг академик Собир Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институтига ташриф буюрди. Институтнинг асосий йўналишлари, илмий ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан танишди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институтида табиий бирикмалар кимёси, биологияси ва технологияси соҳасида катта илмий мактаб шаклланди. Бугунги кунда ушбу муассасада 159 илмий ходим табиий бирикмалар кимёсини ўрганиш, улар асосида тиббий ва қишлоқ хўжалиги соҳалари учун дори воситалари ҳамда кимёвий препаратлар яратиш борасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Истиқлол йилларида бу ерда 500 дан ортиқ турдаги ўсимликнинг кимёвий таркиби ўрганилиб, улардан 1 минг 200 дан зиёд мода ажратиб олинган. 246 янги алкалоид, 100 дан ортиқ фенол бирикмалари, 50 дан зиёд терпеноид

бирикмаларнинг кимёвий тузилиши ишловдан ўтказилган. 5 мингдан ортиқ гетероциклик бирикма синтез қилиниб, уларнинг фаолиги ўрганилган.

Институт қошидаги тажриба-ишлаб чиқариш корхонасида 20 га яқин дори воситаси субстанциялари ишлаб чиқарилмоқда, йилга 100 тонна ўсимлик хом ашёси қайта ишланмоқда. 2017 йилда Россия Федерацияси, Франция, АҚШ каби давлатларга 2,5 миллион доллардан ортиқ миқдордаги биологик актив субстанциялар экспорт қилинган. Шунингдек, мамлакатимиз фармацевтика корхоналарига субстанциялар етказиб берилмоқда.

Шавкат Мирзиёев мазкур даргоҳ ўзининг илмий салоҳияти билан нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёда етакчи ўринларда туриши, бу ерда яратилаётган янгиликлар фармацевтика саноатини ривожлантиришда муҳим ўрни тутишини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 16 сентябрдаги "2016 – 2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарорида фармацевтика соҳасини ривожлантириш хориждан келтириладиган дори воситаларини маҳаллий хом ашёдан ажратиб олиш технологияларини

ишлаб чиқиш ва уларни чуқур қайта ишлаш асосида янги дори воситалари яратиш юзасидан тегишли вазирлар беглиб берилган эди. Шунга мувофиқ, Ўсимлик моддалари кимёси институтида халқаро талабларга жавоб берадиган GMP заводи барпо этилмоқда.

Бунинг натижасида йилга 500 тоннадан зиёд ўсимлик хом ашёсини чуқур қайта ишлаш имконияти яратилди. Жорий йилдан 30 дан ортиқ табиий тоза, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп дори воситалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Президентимиз мазкур корхона билан танишиш, олимлар томонидан тайёрланган биологик актив субстанцияларини кўздан кечириди.

— Дори субстанциялари фармацевтика саноатининг асосий омилдир. Бунинг учун ўсимликларни чуқур қайта ишлаш, жаҳон илмий ютуқларини ўрганган ҳолда, бугунги кунда талаб қўриб бўлган препаратларни яратиш, маҳаллаштириш даражасини ошириш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари институт фаоллар залида вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасалари ва ЎзФА илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан мулоқот қилди.

Унда мамлакатимизда олимлар, академиклар билан мунтазам учрашиб туриш аниқлашга айлانган, ҳаракатлар стратегияси асосида илм-фанни ривожлантиришга қаратилган катта эътибор бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардор кадрлар тайёрлаш ҳамда соҳани ривожлантиришда муҳим омил бўлаётгани қайд этилди.

— Ҳамма соҳанинг келажак сизлар, илм-фанга боғлиқ. Бундан кейин мамлакатимизга келаятган ҳар бир хорижий инвестициянинг муаян фоизи илм-фанни ривожлантиришга ва илмий кадрлар тайёрлашга йўналтирилади. Илм-фан ривожлансагина эртанги кунимиз ҳақида тасаввур қила оламиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Учрашувда сўзга чиққан олимлар Президентимизнинг кўни кеча қабул қилинган "Республика олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори уларга катта хурсандчилик, моддий ва маънавий рағбат берганини, бундан буён бор билим, куч-ғайрат ва шижоатини илм-фан ривожига қаратишларини алоҳида қайд қилди.

(Давоми 2-саҳифада)

## ЎДИ БАРҲАЁТ

Шахрисабзда Амир Темур таваллудининг 682 йиллиги кенг нишонланди



Ёшлар иттифоқи Қашқадарё вилояти кенгаши ташаббуси билан илмий-амалий анжуман ташкил этиб, унда илм аҳли, ҳарбийлар, талаба ва ўқувчилар қатнашди.

Тадбирда Соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти ҳақида тасаввур қила оламиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Учрашувда сўзга чиққан олимлар Президентимизнинг кўни кеча қабул қилинган "Республика олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори уларга катта хурсандчилик, моддий ва маънавий рағбат берганини, бундан буён бор билим, куч-ғайрат ва шижоатини илм-фан ривожига қаратишларини алоҳида қайд қилди.

Анжуман "Ёшлар марафони" ва бошқа спорт мусобақаларига улашиб кетди. Шунингдек, Амир Темур номидаги моддий маданият тарихи музейида вақтинча ишсиз ёшлар ўртасида "Темур тузуқлари билан" танлови ўтказилиб, Шахрисабздаги кўҳна қадамжоларга саёҳат уюштирилди. Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Шавкат ҚАРОМОВ

## YOSHLAR PRESS-KLUBIDA

### ШИЖОАТ ВА МАРДЛИК НАМУНАСИ

Ёшлар пресс-клубида "Амир Темур — фахримиз, гурӯримиз!" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тарихда ўчмас из қолдирган улғў аждодимиз хотирасини ёд этиш, ёшларда буюк ўтмишимизга дахлдорлик ва ҳурмат туйғусини янада мустаҳкамлашга қаратилган учрашувда таниқли темуршунос олимлар, педагоглар, курсантлар ва "Темурбеклар мактаби" ўқувчилари иштирок этди.

Тадбир аввалида Амир Темурнинг жаҳон ва ўзбек давлатчилиги тарихида тутган ўрни, унинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш борасидаги изланишлар

ҳақида маълумот берилди. Таъкидланганидек, Соҳибқирон илм-фан, маданият ҳомийси, дунё цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган буюк шахс эди. Ўтган давр мобайнида улғў бобокалонимизнинг қолдирган мероси шижоат, мардлик ва адолат намунаси сифатида қадр топди. Бу йўлдаги эзгу амаллар бугун ҳам бардавом.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбирда ёшлар ҳам мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдириб, ўзларини қизиқтирган саволлар билан мутахассисларга мурожаат қилди.

Мирношоҳ ЭРКИНОВ

## AKSIYA

### КИТОБЛАР БЕПУЛ ТАРҚАТИЛДИ

Ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши "Ҳамма меҳр-эътиборда" хайрия акциясини ўтказди. Унинг доирасида ёш тадбиркорлар имконияти чекланган тенгдошларига ёрдам бермоқда.

Шу кунларда ташаббускор йигит-қизлар нуқуслик Азима Бердиқилчиевани ҳам йўқлаб, унга китоблар жамланмасини совға қилди. Уч марта жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказган бу қиз тезроқ соғайиб, ўқишни давом эттиришни хоҳлайди.

— Акция давомида кўпгина ёшларнинг истакларини ўрганиб, муаммоларини баргараф этишга ҳаракат қилдик, — деди Ёшлар иттифоқи вакили Гавҳар Режепова. — Аксарияти китобга ошно эканидан қувондим. Уларни фаол ҳаётга қайтариш учун махсус семинарлар ташкил этишни режалаштирялгимиз.

Ёш тадбиркорлар Хўжайи туманидаги 1-Меҳрибонлик уйида ҳам бўлиб, тарбияланувчиларга юз донна китоб ва сут маҳсулотларини бепул тарқатди.

Қумар БЕГНИЯЗОВА

## YUKSALISH

### ИМТИҲОНЛАРНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ЎЗГАРДИ

Тафсилотлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида маълумот берилди.

Эндиликда тест синовлари 1 – 15 август кунлари икки навбатда ташкил қилинади. Бунинг учун

республика бўйлаб 57 та махсус жой, масалан, пойтахтдаги "Ўзэкспомарказ" миллий кўرғазмалар мажмуаси павильонлари, вилоятлардаги олимпиада захиралари комплекслари ёки бошқа муассасаларнинг катта сифимдаги бинолари ҳозирланади ҳамда видеокузатув

камералари билан жиҳозланади. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, жорий йилда 810 минг нафардан ортиқ абитуриент ҳужжат топширади. Шундан келиб чиқиб, кўнрага 57-60 минг нафардан кишини имтиҳонга киритиш кутилмоқда. Яна бир муҳим янгилик шундаки, тест

натижасини эртаси кунлик билиш мумкин. Дарвоқе, ҳужжат топшириш муддати 15 июндан 15 июлга қадар. Фақат Тошкент давлат юридик университетига ушбу жараён эксперимент сифатида Давлат хизматлари марказида амалга оширилади.

Санжар ЭШМУРОДОВ

## BELLASHUV

### ФАОЛ, ЗУККО, БИЛИМДОН Бухорода "Энг намунали туман (шаҳар) сардорлар кенгаши" кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди

Ўқувчи-ёшлар ижтимоий фаолигини ошириш ҳамда ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган лойиҳанинг якуний баҳаслари уч шартдан иборат бўлди.

"Бу бизнинг фаолият" дея номланган илк шартда Сурхондарё



вилоятининг "Эксклюзив", Жиззахнинг "Иттифоқ юлдузлари", Самарқанднинг "Келажак бунёдкорлари" ҳамда мезбон жамоалар шижоат кўрсатиб, олқишларга сазовор бўлди. "Бизнинг имкониятларимиз" деб

номланган иккинчи шартда эса, аввал шашти пастроқ кўринган навойлик ёшлар ҳаммадан устун келди. "Интеллектуал ринг" шартида иштирокчилар ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий соҳалардаги билиминини синовдан ўтказди.

Бош соврин бухоролик ёшларга насиб этди. Самарқанд вакиллари иккинчи, қорақалпоқ тенгдошларимиз учинчи ўринга сазовор бўлди. Барча жамоалар диплом ва кимматбахо совғалар билан тақдирланди.

Зулфизар  
МАВЛОНОВА

FESTIVAL

# ДЎСТЛИК САДОЛАРИДА ЁШЛИК ЗАВҚИ

Ноирабегим ЖАМОЛОВА

## ЯНГИ ҒОЯЛАР ВА ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ АМАЛИЙ ИФОДАСИНИ ТОПМОҚДА

(Бошланғич 1-саҳифада)



Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, Ёшлар иттифоқи ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб

### Пойтахтимизда "Наврўз садолари" IV халқаро кўп овозли миллий чолгулар ансамбль ва оркестрларининг мусиқа фестивали бўлиб ўтди.

келинаётган кўриқда юртимиз вакиллари ташқари, қўшни республикалар, шунингдек, Россия ва мўғулистонлик ижрочилар қатнашди.

Фестивални Тошкент шаҳридаги 360-мактабга таълим муассасасининг "Асалой" ўзбек миллий чолгулари болалар ансамбли очиб берди.

— Уч кун давом этган мусиқа байрами кўтаринки кайфиятда ўтди, — дейди лойиҳанинг бадий раҳбари, профессор Феруза Абдурахимова. — Ёшларнинг мусиқа кўнгил тарбиячиси эканлиги ишончи қатъийлашди. Якунда қардош давлатлар терма оркестрларининг иштирокчиларининг янада жипслашишига хизмат қилди.

Мўғулистон давлат консерваторияси лицейи миллий



чолгулар ансамбли, Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи оркестри, Бухоро санъат коллежининг мизробли чолгулар ансамбли, П.И.Чайковский

номидаги санъат коллежининг "Арюн домог" бурят миллий чолгулар оркестри (Россия) биринчи ўринга муносиб топилди. Ғолиблар диплом ва эсаалик совғалар билан тақдирланди.

Шундан сўнг Президентимиз Яшнобод туманидаги замонавий ҳарбийлар шаҳарчаси қурилиши билан танишди.

Мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини юксалтириш борисада амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ҳарбий хизматчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб турмуш шaroити яратишга доимий эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтимизнинг Яшнобод тумани «Олмос» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида бунёд этилаётган кўп қаватли янги уйлар ҳам ўнлаб ҳарбий хизматчилар оиласига олам-олам қўвонч бағишланиш шубҳасиз.

Президентимизнинг 2017 йил 13 январдаги "2017 – 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп қаватли уйлари қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борисадаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, бу ерда 48 та беш қаватли уй қад ростламоқда.

Лойиҳага кўра, биринчи босқичда 540 хонадонга мўлжалланган 5 қаватли 18 та уй қуришмоқда. Бу юртимизда "Қишлоқ қурилиш инвести" ИК, лойиҳалаштириш ишлари — бош лойиҳачи "Қишлоқ қурилиш лойиҳа" институти томонидан ишлаб чиқилган. Қурилиш-монтаж ишлари 12 та пудрат ташкиоти томонидан тасдиқланган тармоқ жаавалари асосида амалга оширилмоқда.

Бунёдкорлик ишларига 30 дан ортиқ техника ҳамда 2000 га яқин малакали муҳандис ва ишчи ходим жалб қилинган. Бугунги кунга қадар ғишт териш ишлари якунланиб, сантехника, пардозлаш ишлари бажарилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳудудда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, уйлари яратилаётган шaroитлар билан танишди.

— Сарҳадларимиз дахсизлигини ҳимоя қилаётган ҳарбий хизматчиларимиз турмуш шaroитини яхшилаш борисадаги ислохотлар бундан кейин ҳам изчил давом этирилади, — деди Президентимиз.

— Уларнинг фарзандлари таълим-тарбияси ва ижтимоий ҳимояси доимий эътиборимизда бўлади. Иккинчи босқич доирасидаги 900 хонадонга мўлжалланган 5 қаватли 30 та уй қурилиши ҳам қизгин давом этмоқда. Бу юртимизда "Ўзшаҳар қурилиш инвести" ИК, бош лойиҳачи — "Қишлоқ қурилиш лойиҳа" институти.

Замонавий ҳарбий шаҳарча бўладиган ушбу мавзеда болалар боғчаси, мактаб, поликлиника ва бошқа ижтимоий объектлар ҳам барпо этилади. Уйлар Ватан ҳимоячиларига илтимоий кредит асосида берилди.

Шавкат Мирзиёев уйлари ўз вақтида ва сифати қилиб якунлаш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди. Шу ерда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мутасаддилари билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Яшнобод туманидаги Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабнинг қурилиш лойиҳаси билан танишди. Мактаб биноси Президентимизнинг 2017 йил 14 сентябрдаги "Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ қурилмоқда.

Қурилиш-монтаж ишлари "Юк-кам парвоз қурилиш" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан амалга оширилмаган мактаб 1 минг 470 ўқувчига мўлжалланган. Бундан ташқари, вилоятлардан келиб ўқийдиган ўқувчилар учун 300 ўринли ётоқхона ҳам қурилади. Мактабда ўқувчиларнинг пухта билим олиши учун барча шaroит яратилади. Жумладан, мустақил ишлаши, қобилиятини ривожлантириши учун махсус ускуналар билан жиҳозланган қўшимча хоналар, аудиториялар, табиий фанлар лабораториялари, информатика хоналари, робототехника устaxonалари, спорт майдончалари ҳамда сузиш завзаси барпо этилади. Шунингдек, ҳар бири 500 ўринга мўлжалланган фаол зал, ошхона ҳамда 20 минг китоб фондига эга кутубхона ўқувчилар ҳамда сузиш завзаси барпо этилади. Шунингдек, ҳар бири 500 ўринга мўлжалланган фаол зал, ошхона ҳамда 20 минг китоб фондига эга кутубхона ўқувчилар ҳамда сузиш завзаси барпо этилади.

Мазкур ихтисослаштирилган мактабнинг ташкил этилиши мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш, ёшларни буюк аждодларимизга муносиб ворислар этиб тарбиялаш ва замон талабларига жавоб берадиган му-

ESHITDINGIZMI?

Санжар ЭШМУРОДОВ

## ЯНГИ ҲАРАКАТ ТУЗИЛДИ

Томорқа — дармода манбаи. Аммо буни англаб етмаган баъзи юртдошларимиз ердан унумли фойдаланиш ўрнига, ўзини чет элга уриб, мардикорлик орқасидан кун кўрмоқда.



"Деҳқон бойиса, эл бойиди", деб бежиз айтилмаган, ахир. Президентимизнинг 2017 йил 10 октябрдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Ҳудудларда "Томорқага экин экиш" ойлғи, "Ердан унумли фойдаланиш сирлари", "Шахсий томорқадан самарали фойдаланиш йўллари" каби мавзуларда тарғибот тадбирлари ўтказилиб, аҳолига керакли маълумотлар берилмоқда.

Айни масалада сирдарелик йигит-қизлардан ибрат оلسа арзийди. Мана, масалан, яқинда Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши янги лойиҳага қўл ўрди. Ўзбекистон ёш фермерлар кенгаши билан ҳамкорликда Саховатли ёшлар ҳаракати тузилди. Унинг аъзолари юзта кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила ҳолидан хабар олиб, томорқасини обод этди. Бепул ажратилган сабзавот ҳамда кўчат уруғларини экиди.

Парваршишни ҳам ўз зиммасига олган. Ташаббусдан, аниққса, кекса онахону отaxonларнинг кўнгиллари шод. — Жуда савобли ишга қўл урибсиз, — дейди 89 ёшли Хожархон Умрзоқова. — Меҳрибон ва меҳнатсевар наврасталарни кўриб, кўнгилм равшанлашди. Иттифоқ уларни бирлаштирибгина қолмай, керакли юмушга жалб этаётганидан хурсанман. Шунча набираларим бор экан, энди зинҳор ўзимни ёлғиз ҳис қилмайман.

FOTOFAKT

Элдор НАВРЎЗОВ

Зомин тумани 54-умумтаълим мактабидаги ёшлар етакчиси Тўқтин Жаъраев ажойиб ташаббусга қўл ўрди. У сардорларнинг бошини бириктириб, мактаб томорқасида экин-тикин ишларини олиб бормоқда.



### ЎҚУВЧИЛАР картошка етиштиришти

Бир парча ерни обод этиб, уни қабл кўри билан парваршилаётган ўқувчилар ғайратидан қувонасан, киши. Дарсан бўш вақтида шундай хайри ишга бел боғлагани нақадар яхши-я! — Эрта баҳорда ерга

картошка уруғларини қаздики, — дейди Т.Жаъраев. — Ҳосилини ғиғиз кексалар ва боқувчисини йўқотган оилаларга улашмоқчимиз. Шу ҳақда уйлаб, меҳнатқаш сардорларимиз сира тиним билмаепти.

TASHABBUS VA IJRO

## АФВ ЭТИЛГАЧ, тадбиркор бўлди

А.САТТОВА

Мамлакатимизда инсон манфаатлари олий қадрият сифатида улуғланади. Адашганларни тўғри йўлга қайтариш халқимизга хос юксак фазилатдир.

2017 йил 6 декабрда қабул қилинган Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан афв этиш тўғрисида"ги фармони бунга яна бир қарра тасдиқлади. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, билиб-билмай жиноятга қўл урган юртдошларимизга хатосини тушуниш, ҳаётини ўнглаш орзу-мақсадларини рўйбга чиқаришга имкон берилмоқда. Ғиждувонлик Абдурахмон Олимжоновга ҳам шундай имконият насиб этди. Яқинда у оиласи бағри-

га қайтди. Маҳалла фаоллари ҳамда мутасаддилар кўмаги билан "Микрокредит-банк"нинг туман бўлимида 25 миллион сўм миқдорда кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Тенгдошимиз очган тиквучилик цехида ҳозирда уч нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда. — Нодонлигим сабаб диний оқимларга қўшилиб қолдим, — дейди А.Олимжонов. — Қилган ишимдан чин юракдан пушаймонман. Энди Ватан равнақи йўлида толмай меҳнат қилишга ваъда бераман.

TANLOV

Малик СИНДОРОВ

## "БАРКАМОЛ АВЛОД"

зафар кўрди

Тойлоқ туманидаги ҳарбий қисмда "Ёш чегарачилар" кўрик-танловининг Самарқанд вилояти босқичи бўлиб ўтди.



Йигит-қизларнинг ҳарбий-ватанпарварлик руҳини оширишга қаратилган лойиҳа

да Булунгур педагогика ва спорт коллежининг "Баркамол авлод", Ургут спорт ва хизмат



кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг "Лочин", Тойлоқ маиший хизмат курсатиш касб-ҳунар коллежининг "Темур ўғлонлари" жамоалари ғолиблик учун баҳс олиб борди. Ўқувчилар сафда юриш, автоматни қисмларга ажратиш-йиғиш, турникда тортилиш, юз ва минг метр масофага югуриш бўйича мусобақалашди. Шунингдек, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимининг синовандан ўтказиб, Президентимиз таъинланган ҳамда инглиз тилидан тузилган тест саволларига жавоб берди. Ҳар бир шартни нуфузли ҳақамлар ҳайъати баҳолаб берди. Якуний ҳулосага кўра, булунгурликлар 1-ўринни эгаллади. Энди "Баркамол авлод" жамоаси лойиҳанинг финал босқичида иштирок этиши мумкин. Барча ғолиблар Ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгаши раиси ҳамда вилоят ҳокими ўринбосари қўлидан диплом ва эсаалик совғаларни қабул қилиб олди. Шундан сўнг ташкил этилган ҳарбий техника ва қурол-яроғлар кўргазмаси тадбирга якун ясади.

Хар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим.

Амир Темур

МАЪРИФАТ ҲОМИЙСИ, МИЛЛАТЧИНГ ФАХРИ

Анвар ШАМСИЕВ, Ёшлар иттифокининг Самарқанда қишлоқ ҳўжалиги институтидagi бошланғич ташкилоти етакчиси. Жаҳонгир РАҲМАТОВ, талаба

Адолатпарвар, дунёга тинчлик илинган юзлаб тарихий шахсларни биламиз. Лекин биз, туркий улус учун Соҳибқирон Амир Темурнинг қадр-қиммати ўзгача.

Бобомиз давлатни раванқ топтиришда ҳамиша илму маърифатга таянган. Шу сабабли олим уламо-ларга иззат-икром қўрсатди, уларга ҳомийлик қилди. Ўзи ҳам фалакиёт, тиббиёт, меъморчилик, математика илмларидан хабардор бўлган. Шахматни яхши ўйнагани, тарих, айниқса, ҳарб ишига қизиқарди.

Темурбек билан юзма-юз суҳбатлашишга муяссар бўлган машҳур араб файласуфи Ибн Холдуунинг таъкидлашича, жаҳонгир турк, араб, форс халқлари тарихини чуқур ўрганган, диний, дунёвий ва фалсафий билимларни яхши ўзлаштирган. Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"сида ёзилишича, Амир Темур олим фузалолар билан ўтказган бир учрашувида:

"Мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар бу ишларни амалга оширишда менга ўз маслаҳатингиз билан кўмаклашишингиз керак. Мамлакатнинг аҳволи, девоннинг суистеъмол қилингани ва қилинаётгани, оддий одамларнинг жойлардаги ҳоқимлар томонидан қисиб қўйилиши каби ҳолатлар ҳаммадан кўра сизларга аён. Шулар ҳақида маълумот берсангиз, адолатсизликни бартараф этиш учун шарият ва қонунларга мувофиқ чора-тадбирларни айтсангиз яхши бўларди. Мамлакатда хотиржамлик ўрнатишга қаратилган тадбирлар-

ни амалга ошириш бош вазифамиздир. Бу олижаноб ишда менга ёрдам беришларингизни илтимос қиламан", — деган оташин сўзларни айтган эди. Қўриниб турибдики, буюк салтанат соҳиби ўз фаолиятида доимо кенгашиб иш тутган. Давлат ишларини юритишда дин пешволаридан ҳам маслаҳат сўраган.

Темур бобомиз тафаккури кенг инсон эди. Туркий тилдан ташқари форс тилини ҳам мукаммал билган. Ўнг ва сўл қўлларида бирдек ёза олган. Кейинчалик эса, ҳусниҳат битишни ўрганган. Амир Темур умр бўйи салтанат ва миллатнинг улуг мартабасини, саодатини сақламоқ ташвиши билан яшади. Наники Мовароуннаҳр, балки ўзи фатҳ этган бошқа юртларда ҳам



адолатни тиклади. Тижорат соҳасини ривожлантириб, савдо қарвонлари хавфсизлигини таъминлади. "Ҳеч кимга газаб билан каттиқ

муомала қилмадим ва ҳеч ишда танглик қилмадим, токи Тангри таолонинг газабига дучор бўлмай ва ишимни бўзиб, ҳолимни

танг айламасин деб". Ушбу битикнинг ўзиёқ буюк аждодимиз юксак инсоний фазилатлар соҳиби бўлганидан далолат беради.

Абдували ҲАЗРАТҚУЛОВ, Булунгур маиший хизмат касб-ҳунар коллежи директори

Амир Темур нафақат буюк салтанат асосчиси, балки бир вақтнинг ўзида моҳир дипломат бўлгани ҳам тарихдан яхши маълум. Унинг давлат сиёсати ва давлатчилик асосларини мустаҳкамлашга доир қарашлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

БУНЁДҚОРЛИГИ МИЛЛАТГА ҚОЛДИ

Одатда ҳукмдорлар ўзга тупроқ сари лашкар тортар экан, аввало, ўша юрт бойликларини қўлга киритишни бош мақсад қилди. Бироқ Амир Темур фаолиятида бундай ҳолат кузатилмаган.

Соҳибқироннинг сиёсий майдондаги ўрни ва аҳамияти ўз даврида жуда юксак эди. Буюк Русь давлатига ҳамма қилаётган Олтин Ўрда хони — Тўхтамышхон билан бўлиб ўтган муҳорабада қўли баланд келган Амир Темур бутун рус халқини қўлликдан сақлаб қолгани, Кичик Осиёга юришидан сўнг туркларнинг Европалга ҳаммаси қирқилгани ва бунинг учун европаликлар ҳамон Соҳибқирон номини ҳурмат ила ёлга олаётганини алоҳида фахр билан айтиш лозим.

шундан ҳам билса бўлади.

Бобомиз Самарқандни ўз салтанатининг пойтахти сифатида танлар экан, аввало, бу муаззам шаҳарнинг жуғрофий жойлашуви, табиий иқлим шароити, иқтисодий ва ижтимоий имкониятларини ҳам эътиборга олди.

Самарқандни ер юзининг сайқали сифатида қўришни орзу қилган Соҳибқирон дунёнинг тўрт тарафидан бу ерга ҳунарманду бинокорлар, олим фузалоларни таклиф этади. Ва уларнинг фаолияти учун ўша давр талаб этган барча шароитни яратиб беради. Натихада рўйи замин сайқали Амир Темур ва темурийлар даврида жаҳоннинг энг гузал ва замонавий, илму маърифат

жугулаб яшнган, иқтисодий ривожланган шаҳарларидан бирига айланди.

СОҲИБҚИРОН

библиографияси ярайишмоқда

Фаррух АВАЗОВ, Темурийлар тарихи давлат музейи кичик илмий ходими

Буюк ҳукмдор ва сиёсатчи, моҳир саркарда Амир Темур, сўзсиз, номи мангуликка муҳрланган шахсдир. Бобомиз неча-неча эл-улусларни бирлаштирди, марказлашган давлатга асос солиб, шон-шўхратини жаҳонга ёйди.

Ҳозир дунёнинг қарийб элликдан ортиқ мамлакатда темуршунос олимлар фаолият қўрсатмоқда. Темур ва темурийлар ҳақида

кўплаб китоблар нашр этилган. Илмий-амалий конференциялар, семинар ва учрашувлар ўтказилляпти. 2016 йили Нидер-

ландиянинг Деиден университети шунингдек, Парижда ташкил этилган илмий анжуманларда мамлакатимиз темуршунос олимлари

ҳам ўз маърузалари билан қатнашган эди. Аҳамиятли томони шундаки, авваллари Соҳибқиронни Темурланг, деб атаган европаликлар энди Амир Темур номини чуқур ҳурмат ва эҳтиром ила тилга олмоқда. Мазкур ҳолат кишига чексиз гурур бағишлайди.

Бугунги кунда темуршунослик йўналишида ҳам юртимиз, ҳам жаҳон олимлари томонидан олиб борилган барча тадқиқотларни тизимлаштириб, мукаммал библиографик нашрни яратиш зарурати туғилган. Биз бу ишга қўл урдик.

Библиография бир неча жилдан иборат бўлиши кутилмоқда. Унда жамланадиган материаллар келгуси илмий изланишларда, хусусан, ўқув қўлланмалари ҳамда илмий-оммабоғир соҳалар яратишда қўл келиши мумкин.

ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИ

Нуржамал НАВРИЗБАЕВА, Республика ёшлар маркази Қорақалпоғистон бўлинмасидаги "Ёш журналистлар" тўрагаги аъзоси

Биз бахтиёр ёшлармиз! Чунки нафақат ўз замонида, балки ҳозир ҳам дунё халқлари тилидан тушмай келаётган аждодларимиз бор.

Мен донғи етти иқлимга таралган кучли марказлашган давлат асосчиси, моҳир саркарда

Соҳибқирон Амир Темур ҳаётидан ибрат оламан. У бошқа жаҳонгирлардан фарқли уларок, бор

куч-ғайратини вайроннагарчилик эмас, балки бунёдкорлик ишларига сарфлади. Бобомизнинг "Қаерда бир дарахт кес-тирсам, шу жойга унта дарахт кучатишни эълан қилдим", — деган сўзларини бир эсланган.

Амир Темур жангда кучган ҳар бир ириқ галабаси ёки бошқа қувончли воқеалар муносабати билан, албатта, янги иморат қурадиранди. Бунинг учун Ҳиндистон, Шероз, Исфаҳон, Дамашқдан моҳир усталар келтирган. Соҳибқирон ўз салтанати тасаруфига кирган мамлакатлардаги кўплаб шаҳарларни қайта тиклади. Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағдодда мадраса, Туркистонда Аҳмад Яссавий мақбарасини қурдиранди.

Она шаҳри Кешни эса, Мовароуннаҳрнинг марказига айлантиришга ҳаракат қилди. Кейинчалик бу шаҳар "қуббатул илм ва алааб" (Илму адаб қуббаси) унвони билан шарафлангани бежиз эмас. Буюк давлат арбоби Самарқанд атрофида барпо этган бир қанча янги қишлоқларга Шарқнинг машҳур шаҳарлари — Дамашқ, Миср, Сулония, Шероз номлари берилгани ҳам алоҳида эътиборга моликдир.

Яқинда Амир Темур таваллуд топган кунни нишонлаймиз. Ул зотнинг серқирра фаолиятини ўрганишга ҳаракат қилайлик. Токи бу Ватан равнақиға қўшажак муносиб ҳиссамиз бўлиб қолсин.

BILASIZMI? XV асрда Францияда Амир Темурнинг олтин хайкали ясалиб, остига "Европа халоскори", деб ёзиб қўйилган. Инглиз шоири ва драматурги Кристофер Марло XVI асрда "Буюк Темурланг" трагедиясини сахналаштирган. Машҳур rassom Рембрандт бобурийлар даври хинд миниатюраларидан илҳомланиб, бобомизнинг набиралари қуршовидаги сурагини чизган. 2010 йилда Анкарада Амир Темур номидаги истироҳат боғи очилди.

КЕШНИ ОБОД ҚИЛДИ Мақсуд ОСТОНОВ, Тошкент меҳмонхона ҳўжалиги касб-ҳунар коллежидаги ёшлар етакчиси

Соҳибқирон бобомиз 1380 йилда Кеш шаҳрини қайта қуриш учун фармон беради. Оқсарой, Дорус-саодат мажмуаси қурилиши бошланади. Узоқ вақт давом этган бунёдкорликдан сўнг шаҳар мутлақо янги қиёфа касб этади.

1404 йилнинг 28 августда Кешга келган Кастилия (Испания) элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ҳамроҳлари билан Оқсаройни қуришга боради ва кундаликда шундай фикрларни езиб қолдиради: "Қасрнинг энг баландида тилла ҳамда нилый рангдан нақш ва жило берилган. Бинога катта дарвоза орқали кирилади. Эшикнинг юқори қисмидаги марказида қуёш аксидаги шер тасвири бор. Буржлардан шундай такрорланади. Бу Самарқанд сеньёри (Амир Темурнинг гербидир. Темурбек герби уч ҳалқадан иборат бўлиб, уч иқлим подшоҳи, деган маънони англатади... Бутун бўлма ва хоналар олтин, зангори ва ҳар хил буюқлар билан шу қадавр мукаммал ишланганки, моҳир усталари бўлган Париж аҳли ҳам бунини қўриб ҳайратланган бўлур эди".

АДОЛАТ

истаган зот

Ҳикматулла ТҮЛИБОЕВ, Янгийўда туманидаги 27-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Ўз даврида ҳар қандай давлатни куч билан бўйсундиришга қўриб етган Амир Темур низоларни доимо тинч йул билан бартараф этишга интиларди. Хусусан, бобомиз "Темур тузуқлари"да ҳар унта низоинг тўққизтасини музокара орқали ҳал этгани тўғрисида ёзган.

Соҳибқироннинг Оврупо ва Осиё давлатлари ҳукмдорлари билан ёзишмаларида ҳам, асосан, тинчликни барқарор таъминлаш ва савдо-сотик алоқаларини мустаҳкамлаш масаласи

кўтарилади. Масалан, 1402 йилдаги Анкара жангидан олдин Султон Боязидга йўллаган номаларида Темур муаммони тинч йул билан ҳал этишга чақиради. Бу эса, бобомизнинг нақадар адолатпеша ва инсонпарвар зот бўлганидан далолатдир. Ҳатто ҳозирги халқаро сиёсий муносабатларда "Темур тузуқлари"дан ибрат олинмоқда. Бундан 650 йил муқаддам қабул қилинган қонун-қодалар бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмай келаётгани биз учун фахр.

Болалигидан тиришқоқ бўлган

Вазира МАРДИЕВА, ўқувчи

Турли адабиётлардан Амир Темур ҳақида кўпроқ маълумот олишга ҳаракат қиламан. Мени, айниқса, Соҳибқироннинг болалик даври ҳайратлантиради.

Бобомиз табиятан вазмин, зеҳни ўткир инсон бўлган. Шу туфайли унда бошқарувчилик ва саркардалик салоҳияти эрта намоён бўлди. Устозлардан камондан ўқ узиш, отларни саралаш, савандозлик ва қиличбозлик чиранилган пухта ўрганган.


Буюк муаррих Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Темурбек 12 ёшида тенгқурлари билан подшо-вазир ўйинини ўйнаган экан. Ҳаётини ўйнаган экан. Ҳаётини ўйнаган экан. Ҳаётини ўйнаган экан.

бўларди. Бундай ҳолат ул зот тиришқоқлиги билан тенгдошлари орасидан ажралиб турганини кўрсатади. Соҳибқирон бобомиз ўзи устида тинимсиз ишларди ҳам. Меҳнатдан қочмас, ҳар қандай муаммони оқилона ҳал эта олган.

Биз, ёшлар Амир Темур шахсини чуқурроқ ўрганиб, ундан ўрнак олишимиз керак. Токи буюк аждодлар мероси ҳаёт йўлимизни маёқ мисоли ҳамиша ёритиб турсин.

Сарвиноз МАМАНОВА

Бу йилги баҳор серёмғир келди. Дадамнинг Содиқ исмли чўпон қадраони бўларди, ўша киши бизни тоққа меҳмонга таклиф этган экан. Сафар тадоригини кўра бошладик. Майда-чўйда нарсалар, кийимларни ҳозирладик.



ОЙЗОДА

Содиқ амаким: "Сурайёнинг китобини нишонлаймиз", — деган экан. Ўзим билан яқинда чоп этилган шеърини тўпламинини олдим. Укаларим копток ҳақида оғиз очганида, оймга малол келди. — Нима, тоғликларда копток йўқ эканим, амакининг боалари ўтган билдан буён йўларинини полайди... Мана энди мириқиб уйнайсизлар! — дея ҳавасини баттар оширади. Тоғ сахарлаб йўлга равона бўлди. Чамаси икки соат йўл юрганимиздан сўнг тоғ этакларига туташ манзаралар кўз унгимизда гавдалана бошлади. Арчзорлар ястаниб ётар, атроф бу гузалликдан сармастдек эди, гўё. Учала томони тоғ билан ўралган, сой шовуллаб турган яловга келиб тўхтадик. У ерда икки юзтача сурвў утлаб юрарди. Олдимида Содиқ амаким келганини сезмай қолибман. У ташрифимиздан бениҳоя севиниб турган икки кўзидан шундоқкича билганиб турарди. Лоу совиқ унинг ёнида ёнида уйнаётган укам тенги боалар дадам билан ачовлашиб кўришди. Улар ялангоч эканини кейин пайқадим. Уй торғина, лекин жуда саранжом, хонадан шувонқинг хиди анкиб турарди. Бизнинг келишимизга анчагина тийёрлик кўрилаганда ухшайди. Дастурхонада ноз-неъматлар

Орага нокулай сукунат чўқди. Дадам чўқур хўрсинди, бироқ лом-ним демади. Айни дамда менда Ойзодага нисбатан ачиниб, хайрихоҳлик ҳисси пайдо бўлган эди. Амакимин негадир ёмон кўриб кетдим...

Тоғ бўйлаб саёҳатимизни бошлашимизга катталар рухсат беришди. Ойзода билан биргаликда тоққа чиқдик, амакимининг ўғиллари билан иноқлашиб кетган укаларим эса, сой томонга югуриб кетди. Баланд-паст қияликлардан гербарий қилиш учун ранго-ранг гуллар тердим, биология фанини севганим учун бу менга завқ бағишларди. Онда-сонда кўкда калхатлар кўриниб берар, майин шабада юзларимизни силаб ўтарди. Ойзода "Агар ошиқлигим айтсам..." қўшигини мароқ ила хиргойи қилди. Унинг шунчалик хушовозлигидан жуда ҳайратда эдим. Назаримда, у мени сехрлаб олаётгандек. Уйга қайтаётганда Ойзодага ноёб истевдоди борлигини, келаси йил, албатта, мусиқа коллежига ўқишга кириши кераклигини айтдим.

— Бизникида тураринг, иккимиз дугона бўлиб бирга институтга тайёрланар экан, — деб уни астойдил кўндиришга уриндим. Ахир, бундай гузал қўшиқни биринчи мартаба эшитишим эди-да!

Менинг гапларимга Ойзода кулимсираб қўйди, хийла вақт ўйга чўшиб турди-да, кейин: — Мен ҳам оруз қиламан. Қани энди опера йўналишида ўқисам. Коллежда, институтда... Бироқ онаминг соғайи яхши эмас. Бир кун соғ бўлсалар, уч кун мазалари бўлмай юради. Уларни жуда яхши қураман, — деди хўрсиниб.

У билан жилиб қолди. Юзини ўгириб, йиғлаб юборди. — Хафа бўлма, Ойзода, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Мана кураман, — дея уни юпатишга уриндим.

YOSHLIK ILHOMI

Ойзода ўқишини нега давом эттира олмагани аён бўлди. Демак, дадамнинг ҳам бундан хабари бор. Ойзоданинг ота-онасига меҳри, оила олдидики масъулияти ҳавасини келтирди. Унга ҳурматим ошди. Муздам бўлиб қолдим. Нима ҳам дея олардим, уни қандай юпатайин, ахир! Уйламасдан гапирганим учун Ойзодадан уэр сурадим. У хафа эмаслигини, мени яхши кўришини ва кўпроқ китоб ўқишини айтди. Менимча, у шеърларимдаги айрим хатоларни пайқаган. Дарҳақиқат, камчиликлар талайгина. Нақдаар зехли ва доно қиз. Уни бағримга босдим. "Сени яхши қураман", — дея шивирладим кулоғига. Бир кунда инсон кимгадир чин ихлос қўйиши ҳеч гап эмас экан. Айниса, у самимий, беғубор, ақли одам бўлса.

Ойзода билан сира хайрлашим келмасди. Бу оиланинг бунчалик бағри кенг бўлмаса — Содиқ амаким саватда бир талай ёнғок ва гўшт берди. Раёно келиноийм "йўқ" дейишимизга қарамай, сут, сариёғ, куртадан сумкамизга солиди. Уларини кўрға жой топа олмай-я, кўнглининг кенглигини-чи. Офарин!

Қош қораяганда машина келди. Мезбонлар билан омонлашган, йўлга тушдик. Тоғ сайли унутимас бўлди. Ўзга бир дунени кашф этдим, гўё. Атроф зим-зиё. Аяланма йўллардан ўтар эканимиз, пуриқор тоғларга термилдик. Нақдаар собит ва буюк улар! Қиялаб бораётиб, арчзорлар ёнидан ўтардик. Назаримда, кимдир ўша томондан Ойзоданинг қўшигини такорлаётгандек эди. Агар у шундай юксак қалб эгаси бўлмаганида, қанчалик истевдодли бўлмасин, бунчалик қулай олмасди. Унинг қўшиғи ҳамон ёдимда!

— Ҳадемай даирини қий-чўв тутайди: тенгдошларининг уйинқароқ шовқини тоғларда акс садо беради. Чиллак, кулоқчўзма, пидеа кўпқари, футбол — уйининг ҳам тури кўп-да! У эса нуқул китоб ўқигани-ўқиган. Бундан кўра тенгқурларига қўшилиб эшакминди уйнаса бўлмайми? Узи, бу болага ҳеч ким тушунмайди. — Кўп ўқима, Донишга ўхшаб жинни бўлиб қоламан, — дейди опалари. — Китобдан бошининг кўтармайсан. Ишдан қочсан-да! Молнинг тагини тозаласанг, шу фойдамасми сенга, — дейди акалари. Бутун қишлоққа Дониш жинни — кўргазма, унга ўхшаб қолишдан қўрқиб, болалар қўлига китоб олмайд. Лекин бу чўпон йилгитча мутолага муккасидан кетган.

У доим уйига шовшад, гузар олдадаги сада тагида ҳамма ёққа қўлоблатиб сув септириб, пишқириб оқатган ариқча уч-тўрт ливо ташлатиб, сурда ёнбошлаб ётган қишлоқдошлари билан ҳам тез-тез ҳол-аҳвол сўрашди-да, тақийларини бир баҳона билан раз этиб, ундаги кўчага бурилади. Ҳақиқи одамлар эса, ортадан: "Алишер ҳеч элга қўшиммади-қўшиммади-да, одамгарчиликдан чиқиб кетган", — деб бошини саррак-саррак қилиб қолади. Алишер кўчага бурилиши билан Субхонқул бобонинг тути табига қарайди: бу ерда ҳам шу аҳвол, қўни-қўшни тўланиб олиб, қарта ташлашмоқда. Ҳамма уни кўриб бошини кўтаради: — Э-э, Алишербой, Алишербой! — Э-э, Алишер ака, Алишер ака! Даврада отаси қатори ҳам бор, боласи қатори ҳам. Улар хира пашша бўлмайди.

ОЙ НУРИДА МУТОЛАА (бади)

Фаррух ЖАББОРОВ

Опоққўшларини осмонга бериб ётган тоғлар этагига қуй-қўзилар ёйилиб кетган. Қуёшнинг илк заррин нурлари қорли чўқиларга тўшиб, тоғ бошини яшнатиб юборади, азим арчаларнинг учларини ёритали. Сўнг дам ўтмай, нур Қашқабўлоқнинг жилгаарлида жила ланади, тонг сахардан муздак сувни сипқорайтган болакайнинг кўзларида акс этади. Бир учига тугун илган, силлиқлашиб кетган иргай таёқ ҳам қуёшга ятирайди.



Тонг шувонқиндан маст чўпон бола кунгайда ўтлаётган қўйларга бир кўз ташлади-да, белбоғини ёзда, китобини олиб, нонни қайта ўраб қўйди. Тун ярмидан оғиб уйдан чиққан, қуёшнинг юз кўрсатишини — айна лаҳзаларни қанчалар кутган эди. Аввалига ой ёруғида ҳам китоб варақлади, бўлмади. Кеча ойдан бўлса-ку, ўзи биларди-я: эски лампаннинг ичини сугуриб ташлаб, сув тўлдириб, ясаб олган лупасини ой нурига тутар, ундан йилгиб ўтган ёруғлик китобнинг тўлмадек жойини ёритади, шунда эрталарни бемалол ўқийверса бўларди. Қуй қовош жондор, ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа югуравермайди, бош-бошига ҳар тарафга сочилиб кетмайди, бир жойда айланиб, уюшиб ўтлайди. Шу боис қуй боқиб китоб ўқиш учун зўр имконият. — Ҳадемай даирини қий-чўв тутайди: тенгдошларининг уйинқароқ шовқини тоғларда акс садо беради. Чиллак, кулоқчўзма, пидеа кўпқари, футбол — уйининг ҳам тури кўп-да! У эса нуқул китоб ўқигани-ўқиган. Бундан кўра тенгқурларига қўшилиб эшакминди уйнаса бўлмайми? Узи, бу болага ҳеч ким тушунмайди. — Кўп ўқима, Донишга ўхшаб жинни бўлиб қоламан, — дейди опалари. — Китобдан бошининг кўтармайсан. Ишдан қочсан-да! Молнинг тагини тозаласанг, шу фойдамасми сенга, — дейди акалари. Бутун қишлоққа Дониш жинни — кўргазма, унга ўхшаб қолишдан қўрқиб, болалар қўлига китоб олмайд. Лекин бу чўпон йилгитча мутолага муккасидан кетган.

Факат ортадан бир-бирига гап ўқиради: — Шу ҳам ҳаётми? Китоб қўлиқлаб ишга шовшад, китоб қўлиқлаб ўйга шовшад. Яшашнинг завқини билмайдил! — Тўғри-тўғри... У кечки овқатдан сўнг фарзандлари билан ярим соат-ярим соатдан дарс тайёрлайди. Болалар ухлагач, китобнинг хатчўп солинган бетини очиб, мутолаани келган жойидан давом эттиради... Унга нима зарир китоб ўқиб? Абитурент ёки студент эмаски, илтиҳоти бўлсага тайёрланса. Ҳаётининг ҳам эмас, дарсларга ҳозирлик қўрмайди. Умуман, касб-корининг китоб билан боғлиқ жойи йўқ. Шундай экан, ишдан чарчаб қайтган, қишлоқдошлари билан муздак ариқча оёқни тикиб шалооплатиб, муздак пиводан симириб, ўтган-кетган одамларни гийбат қилиб ўтирса, тунги ун бир-ун иккиларда уйга кириб келса, яхши эмасми? Чўриқлар ёзиларди! Еки қўшиқлари билан қарта ўйнаб, у ёқдан-бу ёқдан олиб, ўтган-кетган жувонларга кўз ташлаб ўтириб, вақтини ўлдирса? Ёки... худас, йўли кўпда-ей! Қирққа кириб, қирчилмама ёшида китобга мук тўшиб ўтирса-я?! Мақсадли нима, ўзи? Шундан завқ оладими? Дунёқарашини кенгайтириб, билиминин боитиб, мартабасини юксалтирмоқчими? У нима учун мутолаа қилишини ўзи ҳам билмаса керак-ов...

Бир кишини танийман, ёши етмишга етиб, саксонга сакраган, лекин икки жойда ишлаб, пенсия олиб, ояига мўмайгина пул топса керак. Буниси бизга қоронғи. Аниги шуки, ҳар ой фалон сумга китоб сотиб олади. Узимизники-да қолмайди, чет элиники-да. Ҳамма сотувчилар уни танийди, ўзгача муомала қилади. Факат уларгина китобхон чолнинг хоббисини ҳурматлайди. Бошқаларга эса, фарқи йўқ. Шундай бўлсам, қошиқ эди, лекин бировнинг ишига бурнини тикадиганлар кўпайиб кетган. "Эрингиз китоб йиққунча, бошқа фойдалироқ нарса йингса бўлмайми?" — дейди қўшни хотинлар кампирини. "Дадангга қойилман-ей, эгнига қийим, қорнига овқат эмас, нуқул китоб сотиб олади-я", — деб ҳайратланади болаларининг танишлари. Орқаворатдан эса: "Бу кишим уйланганларда, келинини ошонгага туширган, уч хонали уйда китоблардан жой ортаман-да", — дея хоҳолашади. Мингир-мингир гаплар элик йил бирга яшаган олий маълумотли, ойдеккина хотинига-да таъсир қилади: "Ўт тушидан замонгайм, к...

Бир кишини танийман, ёши етмишга етиб, саксонга сакраган, лекин икки жойда ишлаб, пенсия олиб, ояига мўмайгина пул топса керак. Буниси бизга қоронғи. Аниги шуки, ҳар ой фалон сумга китоб сотиб олади. Узимизники-да қолмайди, чет элиники-да. Ҳамма сотувчилар уни танийди, ўзгача муомала қилади. Факат уларгина китобхон чолнинг хоббисини ҳурматлайди. Бошқаларга эса, фарқи йўқ. Шундай бўлсам, қошиқ эди, лекин бировнинг ишига бурнини тикадиганлар кўпайиб кетган. "Эрингиз китоб йиққунча, бошқа фойдалироқ нарса йингса бўлмайми?" — дейди қўшни хотинлар кампирини. "Дадангга қойилман-ей, эгнига қийим, қорнига овқат эмас, нуқул китоб сотиб олади-я", — деб ҳайратланади болаларининг танишлари. Орқаворатдан эса: "Бу кишим уйланганларда, келинини ошонгага туширган, уч хонали уйда китоблардан жой ортаман-да", — дея хоҳолашади. Мингир-мингир гаплар элик йил бирга яшаган олий маълумотли, ойдеккина хотинига-да таъсир қилади: "Ўт тушидан замонгайм, к...

МЕНИНГ ФИКРИМ

Моҳира СУЛТОНОВА

Касбим тақозоси билан кўп давлатларда бўламан. Миллий ҳунарманчилигимиз намуналарини намойиш қилар эканман, ўзга юрт вакиллари Ўзбекистонга ростман қўзиқилишни кўриб, бошим кўкка етади. Уларнинг ақсарияти Ватанимизга келиб, осори-атиқаларимизни кўришни хоҳлайди. Яқинда Боку шаҳрида Навруз тантаналари муносабати билан ўтказилган кўргазма-фестивалда қатнашдим. Кўклам айёбини озарбайжонликлар биз каби кенг нишонлар, айниса, меҳмонларга ўзгача лўф кўр...

КЎЗ-КЎЗ ЭТСАК, НИМА ҚИЛИБДИ?!

сатар экан. Сайёҳларга эйтибор ҳам бўлачак. Озарбайжонда сайёҳлар учун турфа хил сувенирлар тайёрланади. Улар орқали миллат ва мамлакатнинг бой тарихи, улмас қадриятлари, маданияти ҳақида туқис маълумотга эга бўлиш мумкин. Уялиноб қолдим: сўнги йилларда юртимизда қанчадан-қанча ўзгарилар бўляпти. Сайёҳларга яратилаётган қўлайликларни айтмайми? Нега унда миллий махсулотларимиз, шу жумладан, қўл гул ҳунарманларнинг бетақор асар...

1 САВОЛГА 1 ЖАВОБ

— Келаси йили ўғлим политехника касб-хўнар коллежини тамомлайди. Автомобилларга хизмат кўрсатиш шохобчасини очмоқчи. Таабиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагидаги коллеж битирувчилари учун солиқ имтиёзлари кўзга тутиганими? Эрмат ҲАСАНОВ Қарши шаҳри Саволга Давлат солиқ қўмитаси бош инспектори Алмаз РАСУЛОВ жавоб беради: — Албатта, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 375-моддасига биноан, касб-хўнар коллежи битирувчилари ўқишни тамомлагач, ўн икки ой ичида яқка тартибдаги таабиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтса, шу кундан эйтиборан қатий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой мўддатга озод этилади. Борди-ю, ёш таабиркор давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб ўн икки ой ичида фаолиятини тугатса ёки уч ва ундан кўп ойга тўхташиб турса, қатий белгиланган солиқни тўлаши шарт.

ASLIYATDAN TARJIMA



УЧ ОЛИМ ВА БИР ОМИ ("Панчатантра" дан парча)

Урду тилидан Моҳира УМАРОВА таржимаси.

Қадим замонда тўрт иноқ дўст яшар эди. Улар бир-бирини жуда қадрлар ва асосий вақтини бирга ўтказарди. Дўстларнинг уч нафарини ўқимини бўлиб, ўзларича шу қадар доно эдик, гўё дунёда улар билмайган нарса йўқдек. Шунга қарамай, уларга озгина зий-ракик етишмасди. Тўртинчиси эса, саводсиз бўлса-да, жуда зийрак экан. Бир кун дўстлар тўпланиб, ҳаётини қай тарзда...

ни уйга ташлаб кетишга қарор қилаётганларида бошқа бир олим дўстига нисбатан бундай муносабатда бўлиш адолатдан эмаслигини ўқитибди. Сўнгра улар саводсиз дўстига қараб: "Сен ҳам биз билан бирга юр, нимагаки эришасан, сенинг ҳам хиссанг қўшилади", — деди. Шундай қилиб тўртвон узоқ сафарга отланибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Охири қалин ўрмонга етиб келибди. Қарасалар, у ерда сўяқлар сочилиб ётибди. "Булар аллақандай жониворнинг сўяқлари бўлса кер...

ринглар! Ахир, кўрмаясизми, бу шер-ку! Нима, шерни тирилтирмоқчимисиз? Олимлар ундан хафа бўлибди. "Эй аҳмоқ! Ҳали сен иммингизга шубҳа қилмасанми? Ҳайвонга жон киритишимиз биланок, уни қўйиб юборамиз". — Майли, билганингизни қилинг. Лекин бир дақиқа шовшай турсангиз, — дея саводсиз йилгит баланд дарахта чикиб олибди. Олимлар ҳайвонга жон киритибди. Баҳайбат махлўқ билан ҳам тез-тез ҳол-аҳвол сўрашди-да, тақийларини бир баҳона билан раз этиб, ундаги кўчага бурилади. Ҳақиқи одамлар эса, ортадан: "Алишер ҳеч элга қўшиммади-қўшиммади-да, одамгарчиликдан чиқиб кетган", — деб бошини саррак-саррак қилиб қолади. Алишер кўчага бурилиши билан Субхонқул бобонинг тути табига қарайди: бу ерда ҳам шу аҳвол, қўни-қўшни тўланиб олиб, қарта ташлашмоқда. Ҳамма уни кўриб бошини кўтаради: — Э-э, Алишербой, Алишербой! — Э-э, Алишер ака, Алишер ака! Даврада отаси қатори ҳам бор, боласи қатори ҳам. Улар хира пашша бўлмайди.

— Унга жон ато этмай туринглар! Ахир, кўрмаясизми, бу шер-ку! Нима, шерни тирилтирмоқчимисиз? Олимлар ундан хафа бўлибди. "Эй аҳмоқ! Ҳали сен иммингизга шубҳа қилмасанми? Ҳайвонга жон киритишимиз биланок, уни қўйиб юборамиз". — Майли, билганингизни қилинг. Лекин бир дақиқа шовшай турсангиз, — дея саводсиз йилгит баланд дарахта чикиб олибди. Олимлар ҳайвонга жон киритибди. Баҳайбат махлўқ билан ҳам тез-тез ҳол-аҳвол сўрашди-да, тақийларини бир баҳона билан раз этиб, ундаги кўчага бурилади. Ҳақиқи одамлар эса, ортадан: "Алишер ҳеч элга қўшиммади-қўшиммади-да, одамгарчиликдан чиқиб кетган", — деб бошини саррак-саррак қилиб қолади. Алишер кўчага бурилиши билан Субхонқул бобонинг тути табига қарайди: бу ерда ҳам шу аҳвол, қўни-қўшни тўланиб олиб, қарта ташлашмоқда. Ҳамма уни кўриб бошини кўтаради: — Э-э, Алишербой, Алишербой! — Э-э, Алишер ака, Алишер ака! Даврада отаси қатори ҳам бор, боласи қатори ҳам. Улар хира пашша бўлмайди.

МУАССИС
ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ
Қамолiddин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзаонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова – бош муҳаррир уринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир уринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинин – масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар
Рўзиев Зафар Хусанович
Абдуллаев Хуршид Уктамонович
Навбатчи
Санжар Эшмуродов

"YOSHLAR OVOZI" дан материалларни қўшириб босиб тахририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Тахририят манзили: 100029, Ташкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида.
А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босята табак.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.
Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нархда.